Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2010 йил Баркамол авлод йили

ISSN 2010-7021

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2010-YIL 14-DEKABR, SESHANBA, 142-143 (7760) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.



“Бақтрия агроэкспорт” қўшма корхонасида асосан ҳўл мевалар ва сабзавотлар қуритилиб, экспорт қилинади. Бунинг учун корхона цехларига 450 минг АҚШ доллари қийматидаги замонавий ускуналар ўрнатилди. Мазкур жиҳозларнинг тўлиқ ишга туширилгандаги қуввати бир кечакундузда 5 тонна ҳўл мева ёки сабзавотларни қуритиш имкониятига эга.



Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи объектларининг ёнғин ва портлашга хавфлилик даражаси жуда юқорилигини ҳисобга олиб, ёнғинлар билан боғлиқ турли салбий ҳодисаларнинг олдини олиш, ёнғин хавфсизлиги талабларига юзаки ёндашишга йўл қўймаслик ва самарали ҳимоя тадбирларини қўллаш муҳим аҳамиятга эга.



2011 йил январь ойида Қатарда старт оладиган Осиё Кубоги мусобақасига тайёргарлик кўраётган Вадим Абрамов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон футбол терма жамоаси делегацияси Тунис сафаридан юртимизга қайтиб келди.

саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда

Наманган вилояти

ЁШЛАР МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

“Баркамол авлод йили” Давлат дастури доирасида Наманган шаҳрида Ёшлар маркази фойдаланишга топширилди





Ёшлар бугунимиз ва келажагимизни белги- ловчи салоҳиятли кучдир. Мамлакатимизда навқирон авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ўғил-қизларни миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш, ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб вояга етказиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Ана шундай юксак эътибор ва ғамхўрлик самаралари Ўзбекистон ёшларининг илм-фан, спорт, санъат, тадбиркорлик ва бошқа соҳаларда эришаётган улкан ютуқларида ўз ифодасини топмоқда.

Ёшлар марказининг тантанали очилиш маросимида шулар хусусида сўз юритилди. Унда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ёшлар маркази юртимизда ёш авлод камолоти йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг яна бир кўринишидир. Шаҳар кўркига кўрк қўшиб турган бу муҳташам саройда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, дунёқарашини кенгайтириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини ривожлантириш, жисмоний чиниқишларига кўмаклашиш, касб-ҳунар ўрганишлари учун барча шароит муҳайё этилган.

Марказда жойлашган маҳорат мактабида ёшлар “Архитектура ва дизайн”, “Баҳс ва мунозара”, “Уста ва шогирд”, “Хорижий тиллар”, “Ёш журналистлар”, “Миллий чолғу асбоблари”, “Ижтимоий лойиҳалар”, “Компьютер саводхонлиги”, “Фотоҳаваскорлик” каби ўн олти йўналишдаги тўгаракларда, шунингдек, “Ёш тадбиркорлар”, “Бунёдкор ёшлар” сингари клубларда ўз билимларини бойитиш, истеъдодларини намоён этиш, танлаган йўналишлари бўйича янгиликлардан хабардор бўлиб бориш имкониятига эга. Шунингдек, 400 ўринли томоша зали, 50 ўринли конференция зали маданий, маънавий-маърифий тадбирлар, киносеанслар ўтказишга, яна бир зал халқ бадиий ҳунармандчилиги, амалий санъати, тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик асарлари кўргазмаларини намойиш этишга мўлжалланган.

Бу ерда янги оила қураётган ёшларнинг никоҳини қайд этиш, “Соғлом ҳаёт асослари”, интернет тармоғига уланган ахборот-ресурс бўлимлари ҳам фаолият кўрсатади.

Спорт залида юздан зиёд йигит-қиз спортнинг ўнга яқин тури билан шуғулланиши мумкин.

— Ушбу марказ вилоятимиз ёшлари учун улкан туҳфа бўлди, — дейди теннис бўйича жаҳон чемпиони, спорт мураббийси Севара Қодирова. — Бу Юртбошимиз томонидан биз, ёшларга кўрсатилаётган чексиз эътибор ва ғамхўрлик, истиқлол берган имкониятлар шарофатидир.

Тадбирда Наманган вилояти ҳокими Б.Юсупов иштирок этди.

А.САТТОРОВ,
ЎзА мухбири.
Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 10 декабрь куни Москва шаҳрида бўлиб ўтган Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг мажлисида иштирок этди ва нутқ сўзлади. Қуйида ана шу нутқ матни чоп этилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ КОЛЛЕКТИВ ХАВФСИЗЛИК ШАРТНОМАСИ ТАШКИЛОТИ (ОДКБ) КОЛЛЕКТИВ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам давлат раҳбарлари.

Сизларни қутлашга ва Россия томонига, Россия Президенти Дмитрий Анатольевич Медведевга самимий қабул ва анъанавий меҳмондўстлик учун миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Бугунги саммит кун тартибидаги асосий масала – ОДКБ Коллектив хавфсизлик тизимини янада такомиллаштиришдир.

Биз ОДКБ қарорларининг самарадорлиги ва уларнинг тезкорлик билан қабул қилинишини таъминлаш, Ташкилотнинг мақоми ва вазифаларга самарали муносабат билдириш имкониятларини мустаҳкамлаш борасидаги ташаббусларни асосли ҳамда ўз вақтида илгари сурилган, деб ҳисоблаймиз.

Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг бу борадаги қатъий позициясини яна бир бор алоҳида таъкидламоқчиман: ОДКБнинг вазифаси – бу, ОДКБ давлатлари ўртасидаги ва МДҲ маконидаги турли қарама-қаршиликлар ва можароларни ҳал этишда қатнашиш эмас, балки, аввало, Ташкилотга аъзо мамлакатларни ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилишдан иборатдир.

Биз, шунингдек, ОДКБга аъзо у ёки бу давлатлар ичида «зўравонлик хатти-ҳаракатлари» юзага келган бинни синчковлик билан ўрганмасдан, бу жараёнларга аралашиш қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳар томонлама ўйламасдан, уларни ҳал этиш учун Ташкилотнинг аралашувига мутлақо йўл қўйиб бўлмаслигини яна бир бор кўрсатди.

11-12 июнь кунлари ўзбек миллатига мансуб 100 мингдан зиёд қочқинлар, аввалambor, ёрдамга муҳтож хотин-қизлар, болалар ва қариялар Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод вилоятларида рўй берган миллатлараро хунрезликлардан қочиб, Ўзбекистоннинг Фарғона водийсидаги чегарасини кесиб ўтди.

Мен ҳозир бу одамларни жойлаштириш, озиқ-овқат билан таъминлаш, чегара ҳудудида тартибни сақлаш ва улар ўзини ҳимояланган деб ҳис қилиши учун зарур шарт-шароит яратиш борасида юзага келган улкан муаммолар, бунинг учун сарф этилган ресурс ва маблағлар ҳақида гапириб ўтирмайман.

Бу одамлар чегарадан ўз хоҳиши билан ёки Қирғизистон жанубида яшаш ёқмагани учун ўтгани йўқ. Улар у ерда юз йиллар мобайнида қирғизлар билан ёнма-ён яшаб келган ва бундан кейин ҳам яшайди. Бунга бизнинг ҳам, Қирғизистон Президенти Роза Отунбоеванинг ҳам ишончи комил. Қирғизистон жанубида ҳамон сақланиб турган кескин вазиятдан чиқишнинг йўли шундан иборат эканига ишонаман.

Агар аҳолимиз ўртасида осойишталикни сақлай олмаганимизда ва турли ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олмаганимизда Ўзбекистоннинг қарийб 300 минг қирғиз миллатига мансуб аҳоли яшайдиган Фарғона водийси ҳудудида қандай фожиали воқеалар рўй бериши мумкинлиги ҳақида гапирмасам ҳам бўлади.

Роза Отунбоева ташаббусига биноан 11 июнь эрта тонгда мен у билан телефон орқали узоқ гаплашдим. Шунда мен уни ҳар қандай ҳолатда ҳам биз томондан бирорта ҳам одам Қирғизистон чегарасидан ўтмайди, деб ишонтирдим ва ўз сўзимнинг устидан чиқдим.

Ўш Андижон шаҳридан узоғи билан 40 километр, чегарадан эса бор-йўғи 15 километр масофада жойлашган. Агар ушбу қалтис пайтда вазиятни назоратда сақлаб турмаганимизда, Қирғизистон жанубидаги миллатлараро қарама-қаршилик Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги давлатлараро қарама-қаршиликка айланиб кетган бўлур эди.

Бошқача айтганда, Қирғизистон жанубида рўй берган қонли воқеалар оқибатларини олдиндан айтиш қийин бўлган улкан фожиага айланиб кетиши ҳеч гап эмасди.

Ушбу қонли воқеаларнинг сабаби нимада, уларнинг буюртмачилари, ташкилотчилари ва ижрочилари кимлар экани – бу алоҳида масала.

Сизларнинг эътиборингизни қуйидаги масалага яна бир бор қаратмоқчиман. Агар битта бўлса ҳам ҳарбий хизматчи, Ўзбекистон, Қозоғистон ёки Россия ҳарбий хизматчиси бўлишидан қатъи назар, Қирғизистон чегарасидан ўтганида, бу кейинчалик жиловлаш қийин бўлган катта можарога олиб келиши мумкин эди.

МДҲ ҳудудида бунга мисоллар кўп. Масалан, Арманистон ва Озарбойжон 20 йилдан ортиқ вақт мобайнида ўзаро мақбул бўлган келишувга эриша олмаётир. Можаро рўй берган дастлабки йиллардаёқ унинг ёйилиб кетиши-

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2010 йил 14 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:/*

1 Австралия доллари	1612,01	1 Малайзия рингити	522,80
1 Англия фунт стерлинги	2584,16	1 СДР	2518,09
1 Дания кронаси	289,99	1 Туркия лираси	1085,61
1 БАА дирҳами	445,67	1 Швейцария франки	1664,52
1 АҚШ доллари	1636,89	1 ЕВРО	2177,84
1 Миср фунти	282,47	10 Жанубий Корея вони	14,29
1 Исландия кронаси	14,19	10 Япония иенаси	194,73
1 Канада доллари	1620,84	1 Россия рубли	53,04
1 Хитой юани	245,82	1 Украина гривнаси	205,86

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*



«Qishloq hayoti» юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни, хусусан, қишлоқлар ҳаётини ўзида тўлиқ акс эттирган ягона газета. Нашримизга обуна бўлинг!

«Qishloq hayoti» га 2011 йил учун обуна газета таҳририяти ва обуна уюштирувчи ташкилотлар томонидан нақд пул, пластик карточка орқали тўлов ҳамда пул ўтказиш йўли билан амалга оширилмоқда.

Нашримиз индекси: 144

Молия-банк тизими:

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ТАҲЛИЛИ

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Банклари Ассоциациясида банк тизимида Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясидаги устувор вазифалар ҳамда Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори ижросини ташкил этишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, соҳанинг етакчи олимлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, нобанк кредит ташкилотлари раҳбар ходимлари, етакчи молия институтлари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда таъкидланганидек, Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида амалга оширилиши зарур бўлган долзарб вазифалар белгилаб берилди. Президентимиз таъкидлаганларидек, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида мамлакатимиз молия-банк тизими ўзининг барқарор ва ишончли эканлигини исботлади. Шу билан бирга, бу тизимнинг янада мустаҳкамланиши хусусий банклар ва хусусий мулкка асосланган лизинг, суғурта компаниялари, кредит уюшмалари, микромолиявий институтларни ташкил этишнинг қонунчилик асосларини шакллантириш ҳисобидан банк-молия соҳасига хусусий капитални жалб қилиш билан боғлиқдир.

Концепцияда Юртбошимиз томонидан илгари сурилган бир қатор қонунларни қабул қилишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Бинобарин, “Кредит бюролари фаолияти ва кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”ги, “Гаров реестри тўғрисида”ги, “Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида”ги қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш кўзда тутилмоқда.

Анжуманда Юртбошимизнинг шу йил 7 декабрда Асосий Қонунимиз қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар ҳам чуқур таҳлил қилинди.

(Давоми 2-саҳифада)

Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари комплекси таркибидаги ҳамда шу йўналишдаги вазирлик ва идоралар —

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, “Ергеодезкадастр”, Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, “Ўздонмаҳсулот”, “Ўзкимёсаноат”,“Ўзагросуғурта”, “Ўзвиносаноат-холдинг”, “Ўзбекенгилсаноат”, “Ўзқишлоқҳўжаликмашлизинг” компаниялари, “Ўзпахтасаноат”, “Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати”, Ўзбекистон фермер хўжаликлари, “Ўзагромашсервис”, “Ўзғўштсутсаноат” уюшмалари, “Агробанк”, “Қишлоқ қурилиш банк”, Халқ банки, “Гидрометеорология” бош бошқармаси, Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, “Ўздавдонинспекция”, “Сифат” маркази

Сурхондарё Вилояти

Жарқўрғон туманида мевали боғлар, ширин-шакар узум берадиган токзорлар оз эмас. Айнан шу сабаб жорий йилнинг 9 ойи орасида тумандаги барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 13782 тонна мева, қарийб 3500 тонна узум, 17262 тонна сабзавот, 12000 тоннадан ошиқ полиз маҳсулотлари ва 8,5 минг тонна картошка ишлаб чиқарилиб, аҳоли истеъмоли учун етказиб берилди.

ҲЎЛИДАН ҚУРУҒИ АФЗАЛ

Айниқса, мева ва узумни сақлаш ҳамда олис манзилларга элтиш анча машаққат. Сабзавотлар ҳам тез айнийди. Шуни ҳисобга олган жарқўрғонлик тадбиркорлар "Бақтрия агроэкспорт" қўшма корхонасини ташкил этишди. Янги корхонада асосан ҳўл мевалар ва сабзавотлар қуритилиб, экспорт қилинади. Бунинг учун корхона цехларига 450 минг АҚШ доллари қийматидаги замонавий ускуналар ўрнатилди. Мазкур жиҳозларнинг тўлиқ ишга туширилгандаги қуввати бир кеча-кундузда 5 тонна ҳўл мева ёки сабзавотларни қуритиш имкониятига эга.

— Корхона фаолиятининг асосий йўналиши фермер ва деҳқон хўжаликларидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хусусан, мева, сабзавот, узум қабул қилиб, уларни қайта ишлаш ва ташқи савдога чиқаришдан иборат, — дейди корхона раҳбари Нусратилла Жалилов. — Шу йўсинда корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини барқарорлаштириб, даромадни кўпайтирамиз. Албатта, биргина Жарқўрғон тумани мисолида олиб қарайдиган бўлсак, маҳсулот масаласида ҳеч бир муаммо йўқ.

Аҳолидан, фермер ва деҳқон хўжаликларидан истаганча пиёз, сабзи, карам, картошка ва бошқа сабзавот маҳсулотларини, шунингдек, ҳўл меваларни харид қилиш мумкин. Фақат ўз вақтида ҳаракат қилиб, маҳсулотларни жамғариш ва сақлашни ташкил этишимиз керак. Бунинг учун, биринчи навбатда, ҳўл мева ҳамда қуритилган маҳсулотларни сақловчи омборхоналар барпо этишимиз шарт.

Янги қўшма корхона очилиш маросимида йиғилганлар фойеда намунага қўйилган махсус целлофан халтачаларга жойланган қуритилган ҳар хил маҳсулотлар "коллекция"сини кўришди. Бу ерда олма ёки помидор қоқи ҳам, қизил лавлаги ё пиёз, ҳатто кўкатларнинг қуритилган намуналари ҳам мавжуд эди. Корхона қуритиш цехи раҳбари Бойсоат Бозоров иш жараёни ҳақида шундай тушунча берди:

— Мева қоқи қилиш, қовун ёки помидорни қуритиш бизнинг халқ учун янгилик эмас. Чунки қадим-қадимдан халқимиз шу иш билан шуғулланиб келган, ёз ноз-неъматларидан шу тарзда қишга ғамлаган. Фақат технология, ускуналар янгича. Цехда иш конвейер усулида ташкил этилади. Ҳар қандай маҳсулот аввал сараланиб, ювилиб, сўнг талабга кўра бўлакларга ажратилиб, кейин қуритиш камераларига солинади. Қуритилган маҳсулотларнинг қатъий намлик даражаси белгиланган. Масалан, картошканинг бошланғич намлик даражаси 77 фоиз бўлиб, қуритилгач, намлиги 7 фоиздан иборат бўлади. Бир сўз билан айтганда, 10-12 килограмм ҳўл мевадан ўртача 1 килограмм қуруқ маҳсулот тайёрланади...

Мутахассиснинг фикрларига қўшимча қилиб шуни айтиш керакки, Сурхондарё шароитида, айниқса, пишиқчилик ойлари кўп мева-чева исрофгарчилиги олдини олиш, қуритиш, сақлаш ва экспорт имкониятларини янада кенгайтиришда шунга ўхшаш янги корхоналарнинг хизмати ниҳоятда қўл келади.

Усмонали НОРМАТОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Молия-банк тизими:

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ТАҲЛИЛИ

(Боши 1-саҳифада)

Ички бозоримизни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда, бугунги кунда биз учун энг долзарб масалалардан бири бўлмиш аҳолимизни, аввалambor, ёшларимизни иш билан таъминлаш ва шу аснода уларнинг муносиб даромад топиши, фаровонлигининг ошиб боришига эришишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тез ва жадал суръатлар билан ривожлантириш энг асосий омиллардан биридир. Бугунги кунда кичик бизнес субъектлари мамлакат ялпи ички маҳсулотининг салкам 50 фоизини ишлаб чиқармоқда. Жорий йил якуни бўйича бу кўрсаткич қарийб 53 фоизга етиши кутилмоқда. Республикамизда иш билан банд аҳолининг 74 фоиздан ортиғи шу соҳада меҳнат қилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётимиз ва жамиятимиз ривожидаги аҳамияти ва роли инобатга олинган ҳолда 2011 йил – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилинди.


Президентимиз Концепцияда муҳим бир масала – мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва улушини янада кенгайтиришни таъминлайдиган қонунларни қабул қилиш таклифини илгари сурганди. Ушбу вазифанинг аҳамиятли томони шундаки, соҳада қулай шарт-шароит яратиш унинг ривожига асосий омилдир. Йиғилишда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш учун ўрта ва узоқ муддатли кредитлар бериш тизимини такомиллаштириш, кичик бизнес субъектларини саноат соҳасига кенг жалб қилишга эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди.

Бугунги кунда мамлакатимиз банк тизими қатъий халқаро талабларга жавоб берадиган энг барқарор тизимлардан бири бўлиб фаолият кўрсатмоқда. Буни халқаро рейтинг агентликлари томонидан берилаётган эътироф ҳам тасдиқлайди. Жорий йилнинг 30 августида "Moody's" халқаро рейтинг агентлиги мамлакатимиз банк тизимининг ривожланиш истиқболларини "барқарор" деб баҳолади. 15 та етакчи тижорат банклари фаолиятига "Fitch ratings", "Moody`s", "Standart & Poor`s" каби халқаро рейтинг компаниялари томонидан "барқарор" рейтинги берилди. Тадбирда қароргa мувофиқ, амалга оширилиши лозим бўлган чоралар таҳлил қилинди. Президентимиз томонидан 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарор ана шу жараёнда дастуриламал бўлиб хизмат қилиши эътироф этилди.

Ушбу йиғилишда таъкидланганидек, Мамлакатимиз да демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси Ўзбекистонда ривожланишнинг янги босқичи бошланганидан далолат беради. Мазкур Концепциянинг амалга оширилиши мамлакатимиз олдида турган муҳим вазифа — дунёнинг ривожланган демократик давлатлари қаторидан жой олишида асос бўлиб хизмат қилади. Бу жараёнда молия-банк тизимининг олдида турган долзарб вазифаларни амалга ошириш барча соҳа ходимларидан катта масъулият талаб этади. Қонунчиликни такомиллаштиришда амалиётнинг иштироки унинг янада мустаҳкам бўлишига хизмат қилади.

Анвар ҚУЛМУРОДОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Ўзбекистон халқ шоири ЖУМАНИЁЗ ЖАББОРОВ



Ўзбек адабиёти ва санъати оғир жудоликка учради.

Атоқли адиб, Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов 2010 йил 13 декабрь куни 80 ёшида вафот этди.

Ж.Жабборов 1930 йили Қашқадарё вилоятининг Косон туманида туғилди. 1952 йилда Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)ни тамомлади.

Меҳнат фаолиятини 1953 йили "Шарқ юлдузи" журналида бўлим мудири сифатида бошлади. Кейинчалик "Гулхан" журнали бош муҳаррири, "Ўзбекистон овози" газетасининг бош муҳаррир ўринбосари, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти директори каби масъул вазифаларда ишлаб, матбуот ва адабиётимиз ривожига салмоқли ҳисса қўшди.

Устоз шоир ўзининг 60 йиллик серқирра ижодий фаолияти давомида "Ватанимни куйлайман", "Баҳор нафаси", "Мақсад йўлида", "Тоғлар садоси", "Она ер қўшиғи", "Субҳидам хаёллари", "Эътиқод" каби шеърий китоблари, долзарб мавзулардаги драматик асарлари, жаҳон мумтоз адабиётининг энг сара намуналаридан қилган бадиий таржималари билан адабиётимизда муносиб ўрин эгаллади. Айниқса, истиқлол йилларида Ватанимизнинг мустақиллигини, халқимизнинг озод ва эркин ҳаётини, инсон қадр-қимматини тараннум этувчи бадиий юксак шеър ва қўшиқлари, бунёдкор замондошларимизнинг фидокорона меҳнати, юртимиздаги улкан ислоҳот ва ўзгаришлар ҳақидаги публицистик мақолалари билан кўпчиликнинг эътиборини қозонди.

Ж.Жабборов тажрибали адиб, жонкуяр ташкилотчи сифатида жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этиб, халқимиз ўртасида миллий ғоямиз тамойилларини кенг тарғиб этиш, ёшларни она юртга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда жонбозлик кўрсатди. Кўп йиллар давомида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи сифатида фаолият юритиб, ўнлаб ёш истеъдод эгаларига устозлик қилди.

Жуманиёз Жабборовнинг ўзбек адабиётини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У "Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби" ва "Ўзбекистон халқ шоири" фахрий унвонлари, шунингдек, бир қатор орден ва медаллар билан мукофотланган.

Атоқли шоир, меҳрибон устоз, камтарин ва самимий инсон Жуманиёз Жабборовнинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ,
Д.ТОШМУҲАМЕДОВА,
Ш.МИРЗИЁЕВ, А.АРИПОВ, Х.СУЛТОНОВ,
А.ОРИПОВ, Б.АЛИМОВ, Ё.АҲМЕДОВ

Наманган Вилояти

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси кенг жамоатчилик томонидан қизғин ўрганилмоқда. Республикамизнинг барча ҳудудларида "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"га бағишланган анжуманлар, учрашувлар ташкил этилмоқда.

Сермазмун мулоқотлар

Учрашувларда давлат бошқаруви органлари ходимлари, ташкилотлар раҳбарлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, маҳалла фаоллари, ёшлар ва кенг жамоатчилик иштирок этмоқда.

Президентимиз Концепцияда давлат ҳокимияти тармоқларини, хусусан, парламентни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, сиёсий партияларнинг ролини ошириш, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга қаратилган бир қатор қонунчилик ташаббусларини илгари сурди.

Наманган вилояти Чортоқ туманида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Дилбархон Холиқова билан бўлиб ўтган учрашувлар Концепциянинг мазмун-моҳиятини кенг оммага етказишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Депутат Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлида изчил амалга оширилган ишлар, олдимизда турган вазифалар, айни шу жараёнда қонунчиликни такомиллаштиришнинг аҳамияти хусусида батафсил тўхталди.

Чортоқ туманининг бир қатор ўқув даргоҳларида, маҳаллаларда бўлиб ўтган учрашувлар сермазмун, савол-жавобга бой бўлди.

Маъмур МУСУЛМОНОВ,
"Qishloq hayoti"
мухбири.

Хоразм Вилояти

Иккинчи экин – мўл-кўлчиликнинг қўшимча манбаи

Хива туманидаги "Қодир Бобожонов" фермер хўжалиги аъзолари амалдаги йилда 38 гектар майдонда ғўза парваришладилар. Давлатга 120 тоннадан зиёд пахта сотилди. Соҳанинг ўзидан 50 миллион сўмдан зиёд даромад кўрилди. 17 гектар майдондаги ғаллазордан 45 тонна буғдой топширилиб, ўзларига ҳам шунча миқдорда дон қолди.



Бу асосий экинлардан олинган ҳосил ва унинг баракаси. Биз хўжалик аъзоларининг яна бир тадбиркорлиги хусусида батафсилроқ тўхталмоқчимиз.

Хиваликлар азалдан полиз, сабзавот, мева етиштиришнинг ҳадисини олган миришкорлар. Фермерлик ҳаракати эса улар имкониятларини юзага чиқаришларига замин яратди. Шу боис бу ерда деҳқончиликдаги бир даладан икки маротаба ҳосил олиш анъанаси янада ривож топмоқда.

– Ғалла ҳосилидан бўшаган майдонларнинг 6 гектарида сабзи, 2 гектарида карам, 1 гектар майдонда картошка, яна 2 гектар майдонда эса турп етиштирдик, – дейди фермер Шавкат Бобожонов. – Ўз вақтида қилинган парваришлар самара берди. Сабзи, турп экилган майдонларнинг ҳар бир гектари ҳисобига 400-450, картошкадан 200 центнердан ҳосил йиғиштириб олдик. Шунингдек, 3 гектар майдондан 90 тоннадан зиёд пиёз олдик. Пахта, ғаллачиликда шартномавий режаларнинг ошириб бажарилгани, такрорий экинлардан мўл ҳосил етиштирилгани иқтисодий самарадорликка эришиш омили бўлмоқда. Бизда сабзавот ва меваларнинг қиш бўйи ўз ҳолича сақлаш усуллари шаклланган бўлиб, улар махсус қурилган хоналарда, тайёрланган ўраларда сақланади. Сифати ва таъмига путур етмайди, эҳтиёжга қараб бозорларга чиқарилади. Ўрни келганда бир мисолни келтириб ўтмоқчиман. Бурноғи йили воҳа бозорларида бир килограмм пиёзнинг нархи 2000 сўмгача кўтарилди. Агарда ҳар бир ер эгаси ихтиёридаги майдоннинг кичкина бир бўлагида сабзавот етиштирса, бозорларимизда нарх-навo ҳеч қачон кўтарилмайди. Дастурхонимиз витаминга бой сархил сабзавотлар билан қишин-ёзин тўла бўлади. Агар пиёз 350-400 сўмдан сотилганидаям, унинг даромади ҳеч бир экинникидан кам бўлмайди. Иккинчидан мева, сабзавотнинг қайта ишлаш тизимини яратсак, бунинг халқимиз учун ҳам, ўзимизгада фойдали бўлиши турган гап. Мўъжазгина цехимизда ўзимизда етиштирилган буғдой унидан кунига 300 килограммдан печенье тайёрланиб, савдога чиқарилмоқда. Бу билан беш нафар киши иш билан таъминланди. Маҳсулотимиз кундалик даромад манбаига айланди. Галдаги ниятимиз мева ва сабзавотларни қайта ишлаш цехи қуриш.

Бундан ўн йил муқаддам 31 гектар майдонда фаолиятини бошлаган Шавкат Бобожонов бошлиқ жамоа бугун вилоятнинг олди мулкдорларидан. Икkитадан "Т-28" ва "МТЗ-80" тракторлари, "Қишлоқ қурилиш банк"нинг 115 миллион сўмлик имтиёзли кредит маблағи мадади билан сотиб олинган "Красноярск" дон комбайнлари, уларнинг шахсий мулки. Шу йилнинг ўзида қишлоқ гузарида икки киши ишлайдиган темирчилик устахонасини ишга туширган фермер, эндиликда 5 минг товуққа мўлжалланган ферма биносини қуриш тараддудида. Унинг ишга туширилиши бир неча кишини иш билан таъминлаши билан бирга эл дастурхонига мўл-кўл тухум ва парҳез гўшти етказиб бериш имконини яратади.

Ҳа, буларнинг барчаси она заминимиз саховатию фидойи меҳнатдан. Меҳнат килганга эса заминимиз бор бисотини очаверади.

Холмурод ҚУРБОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

ОНА ЗАМИНГА МАЛҲАМ БЎЛАЁТГАНЛАР

Президентимизнинг 2008 йил 19 мартдаги "2008-2012 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида"ги қарорига асосан Қорақалпоғистонда ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу ишларда "Элликқалъадавсувмахсуспудрат" унитар корхонасининг ҳам муносиб улуши бор.

— Асосан Қорақалпоғистоннинг жанубидаги туманларда хизмат кўрсатамиз, — дейди "Элликқалъадавсувмахсуспудрат" унитар корхонаси мутахассиси Шуҳрат Тожибоев. — Айни пайтда йирик магистрал коллектор "К-5"да мелиоратив ишларни ниҳоясига етказдик. Узунлиги 70 километр бўлган коллектор тўла қувват билан ишлай бошлади. Келгуси йилда ҳам амалга оширилиши режалаштирилган ишларимиз бисёр. 84 километрлик коллекторлар, ички зовҳашларни тиклаш, таъмирлаш ишларини олиб борамиз. Натижада ҳосилдорлик сезиларли ошиши кутилмоқда.

Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ

Узлуксиз таъминот кафолатлари

Президентимиз томонидан 2010 йил 16 июнда қабул қилинган "Республика иқтисодиёт тармоқларини 2010-2011 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорга мувофиқ "Ўзтрансгаз" АКга қарашли корхоналарда бир қатор ишлар амалга оширилди. Айниқса, бу соҳада компаниянинг "Жанубгазтаъминот" унитар корхонасида олиб борилган ишлар эътиборга моликдир. Мухбиримиз унитар корхона директори Абдусамад ХУДОЙБЕРДИЕВ билан ана шу хусусда суҳбатлашди.

— Унитар корхонамиз Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларига хизмат кўрсатишни инобатга олиб, ҳар иккала воҳа аҳоли хонадонларини, ижтимоий соҳа объектларини, маиший хизмат кўрсатиш ва саноат корхоналарини табиий газ билан узлуксиз таъминлаш ва газ хўжалигига алоқадор барча тизимни куз-қиш мавсумига барқарор ишлашга тайёрлаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди. Қашқадарё вилоятида 7663,6 км газ қувурлари, шундан — 1028,2 км юқори босимли, 1693,1 км ўрта босимли ва 4942 км паст босимли бўлиб, умумий газ қувурларининг 760,9 км қисми ер остида ва 6921 км қисми ер устида жойлашган. Шунингдек, жами 5232 ГТП (газ тақсимлаш пункти) бўлиб, 425 та юқори босимли ва 4807 та ўрта босимлини ташкил қилади. Вилоятимиздаги истеъмолчилар жами 22 та ГРС орқали табиий газ билан таъминланиб келинмоқда.

Вилоятимиз бўйича 403 минг 639 та хонадон бўлиб, шундан 239 минг 574 та хонадонда газлаштириш режаси 71,1 фоизни, шаҳарда 150 минг 710 та, қишлоқда эса 88 минг 712 та хонадон табиий газ билан таъминланган. 164 минг 65 та хонадон суюлтирилган газдан фойдаланади.

Биз "Ижтимоий соҳа объектларини 2010-2011 йил куз-қиш даврига тайёрлаш ва табиий газ билан узлуксиз таъминлаш чоралари тўғрисида"ги иш режамизга асосан қуйидаги ишларни амалга оширдик.

Газ қувурларини мукаммал таъмирлаш йиллик режа 7,2 км бўлиб, амалда 11 км га бажарилди. Режадан ташқари Қарши шаҳрида 0,5 км, Касби туманида 3,5 км узунликдаги газ қувурлари корхонанинг ўз кучи билан амалга оширилди.

Газ тақсимлаш корхоналарини техник тафтиш қилиш бўйича йиллик режа 5151 та бўлиб, амалда 5151 та ижроси таъминланди.

Газ тақсимлаш қурилмаларини мукаммал таъмирлаш бўйича йиллик режа 13 дона бўлиб, амалда 13 дона бажарилди. Бундан ташқари, газ қувурларини босим остида зичликка синаш ва ҳаво босими ёрдамида тозалаш ишлари йиллик режа 750,1 км белгиланган эди. Бу ҳам 750,1 км га бажарилди. Шунингдек, ер ости газ қувурларининг ҳолатини прибор усули билан текшириш йиллик режа 750,1 км бўлиб, амалда 792,2 км га уддаланди. Газ қувурларини бўёқлаш йиллик режа бўйича 175 км белгиланган эди. Амалда 176,5 км иш бажарилди.

Табиий газ таъминоти етиб бормайдиган ҳудудлар қайта кўриб чиқилиб, 37 минг 601 хонадон аниқланди. Ушбу ҳудудларга куз-қиш даврида суюлтирилган газ етказиб бериш бўйича туман ҳокимликлари билан биргаликда йиғилишлар ўтказилиб, тадбирлар режаси белгиланган. Айни пайтда ишлар ана шу тадбирлар режаси бўйича олиб борилляпти.

Сурхондарё вилоятида филиаллар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси фаолият кўрсатяпти.

Вилоят бўйича барча кўп қаватли уй-жойлар, ҳар бир аҳоли хонадонлари, бино ва иншоотларнинг газ тармоқлари, асбоб-ускуналари, дудбуронлари ёнғин хавфсизлиги бўйича кўрикдан ўтказилди.

Ертўлалар ва ер остида жойлашган газ қувурлари приборлар ёрдамида текшириб чиқилди. Ҳар бир мукаммал ва жорий таъмирланиши талаб этиладиган ГТПлар аниқланиб, уларнинг манзилий рўйхати тузилди. Натижада реконструкция ва мукаммал таъмирлаш ишлари бажарилди. Филиаллар ҳисобидаги ГРПлар монометрлари вилоят стандартлаштириш ва метрология бошқармаси билан тузилган шартнома асосида қиёсий кўрикдан ўтказилди. Бундан ташқари, Муборак магистрал газ қувурлар бошқармаси Қумқўрғон ЛЭС билан ҳамкорликда вилоят бўйича барча юқори ва ўрта босимли газ қувурлар ва газ тақсимлаш қурилмаларини мустаҳкамлик, зичликка синовдан ўтказиш, уларнинг ички қисмини тозалаш ишларини бажариш учун ўзаро жадвал ишлаб чиқилиб, ана шу асосда режадаги 200,36 км узунликдаги газ қувури ўрнига 207,3 км босим остида зичликка ва мустаҳкамликка синалиб, ҳаво босими ёрдамида тозаланди. Бу соҳада режа ортиғи бидан адо этилди. Бундан ташқари, режадаги 20,28 км узунликдаги газ қувурининг 20,51 км мукаммал таъмирланди. Режадаги 3,1 км узунликдаги газ қувурининг 3,25 км реконструкция қилинди.

Мавсум давомида 4153 та ГТПни тафтишдан ўтказиш режалаштирилган бўлиб, амалда 4153 таси тафтишдан ўтказилди. ГТПларни мукаммал таъмирлаш бўйича 12 дона режа бажарилди. ГТПларни реконструкция қилиш бўйича 10 дона режа ҳам тўлиқ адо этилди. Газ қувурлари ҳолатини прибор -усули билан текшириш ишлари 328,49 км режалаштирилган эди. Бу ҳам ўз вақтида бажарилди. Газ қувурларини бўёқлаш 11,4 км режалаштирилган бўлиб, амалда 46,1 км га бажарилди.

Вилоят бўйича 168 минг 585 хонадоннинг дудбуронлари тўла кўрикдан ўтказилди.

Вилоят бўйича 190 минг 961 та аҳоли хонадони табиий газ билан таъминланган бўлиб, 35 минг 218 та хонадонда бу соҳада танқислик сезилиши аниқланди. Бу бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. 1022 тонна кўмир ва 581 тонна газ ажратиш режалаштирилди. Аммо меъёр асосида амалда вилоятнинг ушбу хонадонларига 3913,7 тонна кўмир ва 1760,9 тонна суюлтирилган газ зарур бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 6 декабрдаги "Киото" баённомаси (протоколи) бўйича "Мусафо ривожланиш механизми" доирасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига асосан унитар корхонамизда 2010 йилнинг ўтган ойлари ичида Қашқадарё вилояти бўйича 5181 дона ва Сурхондарё вилояти бўйича 4214 дона газ тақсимлаш пунктларидаги табиий газ сизиб чиқиш ҳолатини замонавий ускуна билан текшириш ишлари олиб борилиб, шу кунгача Қашқадарё вилояти бўйича 2533 дона, Сурхондарё вилояти бўйича эса 4816 дона ГТПлари текширишдан ўтказилди. Шундан Қашқадарё вилояти бўйича 1207 дона, Сурхондарё вилояти бўйича эса 1881 дона ГТПда табиий газ сизиб чиқиш ҳолати аниқланиб, ушбу ҳолатларни ўз вақтида бартараф қилиш учун замонавий ускуна ва материаллар келтирилиб, барчасида таъмирлаш ишлари тугалланди.

Ҳусан ТЕМИРОВ суҳбатлашди.

Сирдарё Вилояти

ИШИ БАРОРИДАН КЕЛГАН БАРОТ АКА

Барот Ўроқбоев 2002 йилда Оқолтин туманининг "Андижон" сув истеъмолчилари уюшмасидаги ёғочсозлик устахонасини сотиб олиб, мулкдор бўлди.

Устахонада тайёрланган бежирим, чиройли эшик ва ромлар, нақшли панжаралар кўпчиликка маъқул кела бошлади. Иш фаолиятини кенгайтириб, устахонада пайвандлаш цехини ҳам очди. 2007 йилда эса банкдан 10 миллион сўм кредит олиб, алоҳида сартарошхона қурди. Эндиликда эса 10 ўринга мўлжалланган ҳаммом, ошхона қурилишини поёнига етказаётир. Соатига бир кубометр ёғочни қайта ишлайдиган цехда эса мижозлар доим гавжум. Бири эшикка буюртма берса, бошқаси ром ёхуд ёғочдан нақш берилган дарвозага буюртма беришади. Шогирдлари Ҳусниддин Ўроқбоев, пайвандчи Шуҳрат Деҳқоновлар кўмагида мижозлар буюртмаларини тез ва сифатли ясаб беришмоқда.

Шу йилнинг бошида ёғочсоз-усталар қўрғондаги қабристонни тўлиқ таъмирлаб беришди. Яқинда тадбиркор Барот Ўроқбоев яна бир ишга қўл урди. Озиқ-овқат дўконини қуриб, ишга туширди.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Навоий Вилояти



ЕР ДЕҲҚОННИ, ДЕҲҚОН ЭЛНИ БОҚАДИ

Ер — деҳқоннинг хазинаси. У ҳақиқий эгасини топса, саховатини аямайди, соҳибини бойитади. Деҳқон бойиса, эл-юрт, аҳолининг даромади ошиб, турмуши яхшиланади, шаҳар-қишлоқларимиз гуллаб-яшнайди. Бир сўз билан айтганда, она замин тириклик, тўкинчилик манбаи.

Мамлакатимизда ердан оқилона фойдаланиш, мўл-кўл ҳосил етиштиришда унинг қадрига етиш мақсадида қатор ишлар олиб борилмоқда. Айни шу жараёнда "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси ҳамда унинг тизимидаги Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаларининг амалий ҳиссаси катта. Бу борада Навоий вилоятида амалга оширилаётган ишлар билан танишдик.

Бугунги кунда вилоятда 10 миллион 937 минг 435 гектар умумий ер майдони бўлиб, шунинг 40 минг 600 гектарига суғориладиган, 2 минг 800 гектар ерга эса лалми ғалла экилди. Жорий йилда 35 минг 800 гектар ерга экилган пахтадан юқори ҳосил олинди. Давлатга 107 минг тонна пахта топширилиб, бу борадаги режа мамлакатимизда биринчилардан бўлиб уддаланди. Бундай натижага, энг аввало, ишни қатъий тартиб асосида ташкил этилганлиги туфайли эришилди.

Навоий вилояти ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси бошлиғи Умар Турсуновнинг таъкидлашича, мамлакатимизда аграр соҳада ислоҳотларни изчил давом эттириш, фермерликни янада ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар ушбу соҳа иш жараёнида катта самара беравётир. Шу кунга қадар вилоятда 2310 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатиб келарди. Ер майдонларини оптималлаштириш натижаларидан сўнг фермер хўжаликлари 1729 тани ташкил қилмоқда. Шунинг 1158 таси пахтачиликда, 17 таси сабзавотчилик-полизчиликда, 252 таси чорвачиликда, 264 таси эса боғдорчилик соҳаларида фаолият юритишмоқда. Бошқарма ҳамда 8 та туман, иккита шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари томонидан ердан фойдаланиш, уни муҳофаза қилиш, ноқишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун ер майдонларини танлаш ва ажратиш тўғрисидаги меъёрий ҳужжатларни расмийлаштириб бериш, турар-жой, нотурар-жой бино ва иншоотларни давлат рўйхатига олиш, ташкилот ва фуқаролардан тушган хатларни ўрганиб чиқиш ва қонуности ҳужжатлари ижросини таъминлаш бўйича ишлар амалга оширилаётир.

Бошқарма мутахассислари томонидан намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган 490 та янги уйларнинг кадастр ҳужжатларини расмийлаштириб берилди. Бу масалада "Қишлоқ қурилиш банк"и билан доимий равишда алоқалар йўлга қўйилган.

Президентимизнинг 2008 йил 20 октябрдаги "Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида аниқ ҳисоб-китобларга асосланган режа-тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларнинг изчил ва тўлиқ бажарилиши таъминланмоқда. Навоийда янги йилдан бошлаб озиқ-овқат экинлари майдонлари ҳар қачонгидан кенгаяди. Катта-катта майдонларда сабзавот, полиз экинлари экилади.

Маълумки, сўнгги йилларда жаҳон давлатлари орасида озиқ-овқат маҳсулотларига талаб ва эҳтиёжнинг тобора ошиши, улар нархининг муттасил ўсиб бораётганлиги қишлоқ хўжалиги экинларидан янада юқори ҳосил олишни талаб қилмоқда. Бунга қатъий амал қилган навоийлик деҳқонлар барча қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш билан бирга янги мевали боғ-роғлар яратиш ишига ҳам жиддий ёндашишмоқда. Масалан, авval экилган, қуриган боғларни бузиб, янгилари ташкил этилмоқда. Бу вазифа ишчи гуруҳи зиммасига юклатилди. Ҳозирги кунга келиб янги боғ-роғларни ташкил этиш учун 450 гектар ер майдони ажратиб берилди. Эътиборга молик жиҳати шундаки, яқинда Р.Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институтининг вилоят филиали иш бошлайдиган бўлди. Унга 50 гектар ер майдони ажратиб берилди. Мақсад ҳудуд иқлим ва табиий шароитига мос навларни излаб топиш, уларни кўпайтиришдан иборатдир.

Навоийда бўлган кунимиз вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳовлисида ўтказилаётган катта ҳашарнинг устидан чиқдик. Маълум бўлишича, ер назоратчилари эллик сотих ташландиқ, қаровсиз ер майдонини эпақага келтириб, бу ерда боғ-роғ яратиш ташаббуси билан чиқишибди. Шу мақсадда қувур тортиб, сув олиб келишибди. Келажакда бу ерда томчилатиб суғориш йўлга қўйилар экан. Жами 80 сотих ерга ўрик, ёнғоқ, олма, нок сингари мевали дарахт кўчатлари экилиб, ажойиб боғ ташкил этилар экан.

Улуғбек ЖУМАЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

Бухоро Вилояти

Аҳоли яшаш жойлари, ижтимоий-маданий, саноат, иқтисодиёт объектларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш жиддий аҳамиятга молик масала бўлиб, ёнғинга қаши талабларни бажаришга барча давлат идоралари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, ташкилот раҳбарлари масъулдир. Уларни бажармаслик эса давлатимизга, аҳолига тиклаб бўлмас моддий ва маънавий зиён келтириши мумкин.

Корхона маъмурияти ХАР СОНИЯ

ҲУШЁР ВА ОГОҲ

Кузатишларимиздан маълумки, айрим хорижий давлатларда содир бўлаётган ёнғинларнинг аксарияти мамлакатлар ва халқлар учун доимо оғир фалокатлардан бири бўлиб келаётир. Афсуски, биз ҳам мана шу тилсиз ёвдан мустасно эмасмиз. Маълумотларга кўра, ўтган йили юртимизда ёнғинлардан кўрилган моддий зарар миқдори 4,3 миллиард сўмдан зиёдни ташкил қилган.

Бу эса давлат миқёсидаги мақсадларни амалга ошириш, ҳаётга татбиқ этиш учун "Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида"ги замон талабига мос қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш заруриятини келтириб чиқарди. Республика ҳукуматининг топшириғига асосан республика Ички ишлар ва Адлия вазирликлари томонидан Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, тегишли вазирлик ҳамда идораларнинг хулосаси олингач, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг муҳокамасига қўйилди ва тегишли тартибда 1 октябрь куни қучга кирди.

"Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонун 6 бобдан иборат бўлиб, 40 та моддани ўз ичига олган. Қонун республикамиз ҳудудида ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг умумий-ҳуқуқий, иқтисодий ва сиёсий асосларини белгилаб бериб, халқ хўжалиги тармоқлари ҳамда аҳоли яшаш масканларида ёнғинга қарши тадбирларни бажаришда юзага келадиган ҳолатларни тартибга солади.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи объектларининг ёнғин ва портлашга хавфлилик даражаси жуда юқорилигини ҳисобга олиб, ёнғинлар билан боғлиқ турли салбий ҳодисаларнинг олдини олиш, ёнғин хавфсизлиги талабларига юзаки ёндашишга йўл қўймаслик ва самарали ҳимоя тадбирларини қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

"Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонун кучга кирган биринчи кунларданоқ, ҳужжатнинг мақсад ва мазмунини ўрганиш, унинг ижросини таъминлаш, шунингдек, заводда ёнғин хавфсизлигига доир ҳужжатларни қонун талабларига мослаштириш борасида қатор ишлар олиб борилди. Қонуннинг мақсад ва вазифаларини завод муҳандис-техник, ишчи-ходимларига етказиш, талабларини ўрганиш борасида ҳам ташкилий ва амалий чоралар кўрилди.

Заводда фаолият кўрсатиб келаётган муҳандис-техник, ишчи-ходимлар иштирокида "Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонун асосида ишлаб чиқилган махсус дастур бўйича ўқув машғулотлари ўтказилди. Шу кунга қадар заводимизнинг ўқув марказида 50 нафар раҳбар, 70 нафар муҳандис-техник, 100 нафарга яқин электргазпайвандловчи, машинист-оператор ва бошқа касб эгалари ўқитилди. Қолаверса, қонун талаблари асосида заводдаги барча ишлаб чиқариш цехлари, маданий-ижтимоий объектларнинг ўт чиқиши мумкин бўлган нуқталарида профилактика ишлари бажарилди. Шу йили меҳнат муҳофазаси, техника ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида завод ўт ўчириш автомобиллари, газ ниқоблари, ҳимоя костюмлари ва респираторлар билан таъминланди.

Жорий Ёнғин хавфсизлиги ойлигини намунали ўтказиш мақсадида заводимизда тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Ойликни ўтказиш бўйича завод бош мутахассисларидан иборат ҳайъат ташкил қилиниб, "Ёнғин хавфсизлиги таъминланган энг яхши цех", "Энг яхши макет", "Рўзномада чоп этилган энг яхши мақола", "Ёнғин хавфсизлиги мавзусидаги энг яхши викторина" номинациялари бўйича кўрик-танловлар ўтказилиши эълон қилинди. Ишчи-хизматчи ва ходимлар билан йўриқнома ҳамда тушунтириш ишлари амалга ошириб келинмоқда. Завод радиоси орқали эса ёнғин хавфсизлиги мавзусида суҳбатлар, мақола ва очерклар ўқиб эшиттирилмоқда. Иш жойларида ёнғин хавфсизлиги бурчаклари, эҳтиётқорликка даъват қилувчи шиор ва паннолар ташкил қилинган.

С.ТОШЕВА, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ходими.

Ҳуқуқий маслаҳатхона

ШАРТЛИ ВАСИЯТНОМА ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

"Амаким менга мол-мулкини "Шартли васиятнома" асосида қолдирмоқчи. "Шартли васиятнома" қандай бўлади? Унинг бошқа васиятномалардан фарқи нимада?"

Шарофиддин РАҲИМОВ
Қашқадарё вилояти Китоб тумани.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг тегишли моддасига асосан:

Васият қилувчи мероснинг олиниши учун меросхўр хулқ-атворининг хусусиятини қонуний равишда шарт қилиб қўйишга ҳақли. Бу ***"Шартли васиятнома"*** *ҳисобланади.*

Меросхўрни тайинлаш ёки ворислик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги фармойишга киритилган ***ғайриқонуний шартлар ҳақиқий бўлмайди.***

Васиятномага киритилган бўлиб, меросхўр ***ўз саломатлигининг аҳволига*** *кўра ёки бошқа объектив* ***сабаблар туфайли*** *бажара олмайдиган шартлар меросхўрнинг даъвоси бўйича* ***"ҳақиқий эмас"****, деб топилиши мумкинлиги белгиланган.*

ҚУРИЛИШ ТАБИАТГА ЗИЁН ЕТКАЗМАСИН

Янги қурилиш қилаётган шахслар атроф-муҳитни асраш қоидаларига риоя этмасликлари ҳам жавобгарликка сабаб бўлиши мумкинми?

Жамшид ЭРГАШЕВ
Фарғона вилояти.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаслик – **маъмурий ҳуқуқбузарлик** ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодекснинг 88-моддасига асосан:

Қурилиш ишларини ва бошқа ишларни бажариш чоғида ёнилғи моддалар ва бинокорлик материалларини тўплаш, махсус техник қурилмасиз очиқ аланга олдириб, уларни ёқиш, битум эритишда **атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаслик** – фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир баравардан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ҳудди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса – фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Дала ва аҳоли пунктларида хазон ва шох-шаббаларни ёки ўсимликларнинг бошқа қолдиқларини ёқиб юбориш, атмосфера ҳавосини зарарли моддалар билан ифлослантиришга олиб келса – фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланган.


Саволларга Миробод тумани 5-сонли нотариал идора нотариуси Маҳсума ОРТИҚОВА жавоб берди.

Наманган Вилояти

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА

Устозлар изидан бораётган шогирдлар

Учқўрғон иқтисодиёт коллежида 1474 нафар ўқувчи халқ хўжалигининг беш йўналиши бўйича пухта билим ва кўникмага эга бўлмоқда. Уларга 105 нафар олий маълумотли ўқитувчи ҳамда мураббий-педагоглар таълим-тарбия беришмоқда.



– Ўқитувчиларимиз орасида ўз касбига фидойи инсонлар кўпчиликни ташкил этади, – дейди коллеж директори Сардорбек Турсунов. – Яқинда иқтисод фани ўқитувчиси Шароддир Бойхонов ўз йўналиши бўйича номзодлик диссертациясини ёқлади. Физика фани ўқитувчиси Қосимжон Давронов эса ўрта махсус билим юртлари учун дарслик китобини ёзди. Миллий истиқлол ғояси фани ўқитувчиси Муҳаррамхон Эрназарова, иқтисод ва физика фани ўқитувчилари Маҳбуба Тўйчибоева, Матлуба Валиева, Гулҳаё Абдуллаева, Нилуфар Ғайбуллаева ва бошқалар турли кўрик-танловларнинг ғолиблари ҳисобланишади.

Коллеж ўқувчилари ҳам устозлари изидан боришиб, ўз билимларини оширишмоқда.

Маъмур МУСУЛМОНОВ олган сурат.

Андижон Вилояти

Абдукарим ота ва Аҳлиддиннинг аҳиллиги

Бу аҳиллик самараси уларнинг фаолияти натижаларида кўринмоқда

Асака туманидаги Қовоқ тўпи маҳалласида яшовчи Абдукарим ота Муродов етилган новвосини сотмоқчи бўлди. "Қадим" бозорига кириб бориши билан атрофини харидорлар ўради. Савдо қизиди. Отахон новвосини 4,5 миллион сўмга "бор, барака" қилди. Орадан яна бир ҳафта ўтгач, Абдукарим ота иккинчи новвосини ушбу бозорда 4 миллион сўмга сотиб қайтди.


Отахон кўп йиллар экскаваторчи бўлиб ишлаган. Пенсияга чиққач, уй шароитида чорвачиликни ривожлантиришга киришди. Аввалига бир сигир олди. Сўнгра уни иккита, уч, тўрттага етказди. Чорвачиликка қизиқиши ортиши баробарида билдики, маҳсулдорликнинг асосий омили наслни яхшилашда экан. Шу боис қишлоқдаги ветеринар врач Аҳлиддин Бурҳоновнинг этагидан маҳкам тутди.

Ҳар бир қишлоқда зооветеринария талаблари даражасида хонадон чорвасига хизмат кўрсатадиган шохобчалар барпо этиш масаласи кун тартибига чиққан вақтда Аҳлиддин Асака туманидаги Қадим қишлоқ фуқаролар йиғини ўрамида "Асака янги авлод" зооветсервис ҳудудий шохобчасини очди. Аввало, аҳоли ўртасида наслчилик-селекция ишлари тарғиботига эътибор қаратди. Шохобчада соҳага оид энг сўнгги янгиликларни қўллашга қаратилган замонавий асбоб-ускуналардан фойдаланишга шароит яратди. Илмий-оммабоп китоблардан иборат ихчам кутубхона ташкил этди.

Бугун Қадим қишлоғида унинг маслаҳатига, йўл-йўриғига қулоқ тутиб, хонадон шароитида наслли қорамол парваришлаётган оилалар сони кун сайин кўпайиб бораётир. Хонадонларга кириб борсангиз наслчиликнинг самаралари кўзга ташланаётганлиги ҳақида, бунда Аҳлиддининг меҳнати алоҳида эканлигини гапиришади. Яқиндагина ҳам қишлоқ аҳли сигиридан 18-20 килограммли бузоқ олишганда қувончини яшира олишмасди. Энди эса 35-45 килограммдан бузоқ олиб, уларнинг кунлик ўсишини ҳисобкитоб қилиб боришни одат қилган хонадон эгалари наслчилик борасида тарғиботчига айланиб кетишди. Омонулло Неъматов, Мўминжон Ашуров, Одилжон Мамадалиев, Муталибжон Умаровларнинг хонадонларида бўлганимизда наслчиликнинг самаралари кўрина бошлаганлигига гувоҳ бўлдик. 34 килограмм туғилган бузоқ 45 кун деганда 70 килограмм тош босибди. 8 ойлик бузоқнинг оғирлиги 200 килограммдан зиёд, 16 ойлик новвос 480 килограммга етганлиги маълум бўлди.

Қадим қишлоғида 8 та маҳалла бор. Аҳлиддин ҳар бир оилада қанча қорамол, қўй-эчки ёхуд парранда парвариш қилинаётганлигини билади. 2009 йилда қишлоқ бўйича 622 та сигир сунъий урчитилган эди. Жорий йилда ушбу кўрсаткич 1100 тадан ортди. Уй эгалари Аҳлиддинга қўнғироқ қилишиб сигири бузоқлагани, фалонча килограмм оғирликда эканлиги ҳақида айтишади. Аҳлиддин шу заҳоти ўша хонадон томон йўл олади. Профилактик тадбирлар ўтказиб бўлгач, уй бекаларига бузоқларнинг кунига қанча килограмм сут ичиши, қачондан бошлаб енгил озиқлантиришни бошлаши ҳақида йўл-йўриқлар беради. Ҳар бир бузоқнинг кунлик ҳолати дафтарда қайд қилиб борилади.

Бозорда семиз новвоси билан кўпчиликни лол қолдирган Абдукарим ота шу кунларда битта сигир, сунъий қочирилган ғунажин ва тўрт бош буқа боқяпти. Фарзандларига ҳам зотли қорамоллар парваришига оид йўл-йўриқлар бермоқда.



Ветеринар врач Аҳлиддин Бурҳонов.

Яқинда вилоят миқёсида ўтказилган нуфузли йиғинда Аҳлиддин Бурҳоновнинг аҳоли чорваси зотини яхшилашга қаратилган ибратли ишлари барчага намуна сифатида тилга олинди. 80 ёшида ҳам сигир-бузоқ парваришида кўни-кўшниси, ҳамқишлоқларига ўрнак бўлаётган Абдукарим ота Муродов тажрибасини оммалаштириш тавсия этилди. Ҳа, демакки, интилиш ўз сўзини айтди.

Қобилжон АСҚАРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

ЧП "FARHOD FOOD SERVICE" (ИНН 300715991), зарегистрированное 12.02.2008 г. инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства при хокимияте Юнусабадского р-на г.Ташкента, почтовый адрес: г.Ташкент Юнусабадский р-н кв-л 13 д.2А, ликвидируется (согласно решению собственника № 11 от 11.12.2010 г.). Требования кредиторов могут быть заявлены в течение 2-х месяцев с даты опубликования объявления. Тел.: 353-30-03.

ООО "MERGAN TRADE" (ИНН 301199234), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Шайхантахурского р-на г.Ташкента № 003340-09 от 20.07.2009 г., ликвидируется (решение общего собрания учредителей № 11 от 13.12.2010 г.) . Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г.Ташкент Шайхантахурский р-н пл.Чорсу 3ª (ликвидатор Унер Хайреттин).

"Косондонмаҳсулотлари" МЧЖ раҳбари, вилоят Кенгаши депутати Келдиёр Хўжаёров спортга, унинг энг оммавий тури — футболга шайдо қалблардан. Унинг саъй-ҳаракатлари билан 2006 йилда "Ерқўрғон" футбол жамоаси ташкил этилиб, мамлакат миллий чемпионати иккинчи лигасида иштирок эта бошлади. Дебют йилидаёқ мураббий Равшан Шарофиддинов раҳбарлигидаги жамоа турнир жадвалида учинчи ўринни эгаллади.



«КОСОНДОН»нинг "ЕРҚЎРҒОН"и БИРИНЧИ ЛИГАДА

Косон футболи иқтидорли ёшларининг бу дадил, мардона интилиши туманнинг футболдаги салоҳиятидан дарак берар эди.

Косон тумани футболи нафақат вилоятда, қолаверса, мамлакатимизда ҳам ўрнак олса арзийдиган мактабига эга. Шу масканда футбол сирларини ўрганганлардан бири Абдураҳмон Юманчулов футболчилик фаолиятини якунлагандан сўнг "Севинч" хотин-қизлар футбол жамоасини ташкил этишда бош-қош бўлди. Ўз навбатида, мамлакат миллий терма жамоаси ўзагини ташкил этадиган "Севинч" қизлари Ўзбекистон номини аёллар футболида дунёга танитяпти. Ёхуд моҳир ҳимоячи Асрор Аликулов ("Насаф", "Пахтакор", "Шўртан"), эпчил ва чапдаст ҳужумчи Анвар Бердиев, Ботир Қораев, Нурали Султонов, Ҳамза Каримов ("Насаф"), Насим Шоимов ("Нефтчи", "Машъал"), Баҳриддин Омонов, Рустам Тоғаев ("Насаф"), Аббос Шодмонов, Сроҳиддин Ҳамроев, Аббос Омонов, Шаҳбоз Аҳмедов ("Машъал", "Насаф", "Шўртан"), Отабек Нарзуллаев ("Бухоро") каби футболчилар илк сабоқларини ушбу туманда олишган.

"Хўш, ана шундай салоҳият ва нуфузга эга туманда нима учун футбол жамоаси бўлмаслиги керак", деган саволни Келдиёр Хўжаёров жамоа аъзолари олдига кўндаланг қилиб қўйганда барча муҳандис-техник ходим, ишчи-хизматчилар унинг фикрини қизғин маъқуллашди.

— 2000-2001 йилларда "Пахтачи" номи билан биринчи табақада қатнашган жамоани сақлаб қолганимизда ҳозир қандай ютуқларга эришмасдик, — деди у сўзини якунлаб.

Ҳа, раҳбар ташаббускор, янгиликка интилувчан, эртанги кун ташвиши билан яшаса, доимо унинг иши олдинда бўлиб, ютуқларига ютуқ қўшилади. "Ерқўрғон" жамоасининг ташкил этилиши нафақат МЧЖга, балки туманга ҳам обрў-эътибор келтирди. 2007 йилда жамоа бош мураббийлигини ўз қўлига олган Рустам Тоғаев ҳамкасби Баҳриддин Омонов билан ҳамкорликда ишлаб, жамоа таркибини янада мустаҳкамлади. Ҳикмат Асадов, Ёдгор Изомов, Алишер Бердиев, Азиз Равшанов, Фаррух Холмуродов каби иқтидорли ёшларнинг яшил майдондаги чаққон, эпчил ҳаракатлари эвазига "Ерқўрғон" жамоаси 2007 йилда турнир жадвалида еттинчи, 2008 йилда бешинчи, 2009 йилда эса иккинчи ўринни эгаллади.

2010 йилги мамлакат миллий чемпионати иккинчи лигасида 16 жамоа иштирок этиб, унда "Ерқўрғон" ўз сўзини дадил айта олди. 68 очко билан турнир жадвалида "Насаф-92", "Олимпия" (Қарши), "Насаф" футбол мактаби тарбияланувчиларидан сўнг тўртинчи ўринни эгаллади. Низомга кўра "Ерқўрғон" Самарқандда бўлиб ўтган биринчи лигага чиқиш имконини берувчи ҳал қилувчи баҳсларда иштирок этди. Улар "Хоразм"ни 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, "Регистон" (Самарқанд) билан 2:2 ҳисобида дуранг натижани қайд этишди. Бу эса "Ерқўрғон"га биринчи лига эшикларини очди.

"Ерқўрғон" чемпионат ўйинларида мухлисларга манзур бўладиган ҳужумкор ва мазмунли ўйин намойиш этди. Дарвозабон Абдураҳмон Раҳмонов, Элдор Остонақулов, ҳимоячилар Ҳасан Шоназаров, Алимардон Мирзаев, Тоҳир Нарзуллаев, Суҳроб Раҳимов, ярим ҳимоячилар Суҳроб Ҳакимов, Нодир Элмуродов, Азиз Маматов, Феруз Тўйчиев, Нодир Солиҳов, ҳужумчилар Фаррух Зайруддинов, Акбар Исматуллаев, Аббос Юсупов, Фаррух Саидов, Шоҳид Ҳалимовларнинг фидойилиги туфайли 20 та ютуқ, беш дурангга эришилди. Беш ўйинда мағлубиятга учрашди. Дарвозаларга 69 та тўп йўлланиб, ўз дарвозаларидан 35 та тўп олиб чиқишди. Ҳужумчи Акбар Исматуллаев рақиблар дарвозасини 14 марта аниқ нишонга олди.

— Олдимизда ғоят катта, шу билан бирга масъулиятли вазифа турибди, — дейди жамоа бош мураббийи Рустам Тоғаев. — Энг аввало, биринчи табақадан мустаҳкам ўрин олишимиз керак. Бунинг учун жамоа таркибини Қашқадарё жамоаларида тўп сураётган шогирдларимиз ҳисобига мустаҳкамлаймиз. Жамоа ўз автобусига эга. Суньий қопламали майдонимиз барпо этиляпти. Беш минг томошабинга мўлжалланган "Косон" стадиони қайта таъмирланмоқда. Ҳозирда футбол майдони остидан дренаж тармоқлари ўтказиляпти. Майдонни суғориш учун ҳовуз қуриляпти. Футбол майдонига янгидан чим босиляпти.

"Насаф" футбол мактабининг Косон филиали очилди. Унда 2000-2004 йилда туғилган юзга яқин ёшлар таълим олмоқда. Уларга Амин Турсунов, Баҳриддин Омоновлар билан бирга футбол сир-асрорларидан сабоқ беряпмиз.

Янги мавсум "Ерқўрғон" футболчилари учун жиддий синов бўлади. Машғулотларга киришаётган ёшларнинг мақсади битта. У ҳам бўлса, Косон футболи мактаби имкониятларини янада очиб, унинг янги қирраларини кашф этишдир.

Хусан ТЕМИРОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.
Муродулла КОМИЛОВ олган сурат.

СПОРТ

▼ ФУТБОЛ

ТЕРМА ЖАМОАНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИҒИНИ ЯКУНЛАНДИ

2011 йил январь ойида Қатарда старт оладиган Осиё Кубоги мусобақасига тайёргарлик кўраётган Вадим Абрамов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон футбол терма жамоаси делегацияси Тунис сафаридан юртимизга қайтиб келди.



Йиғин давомида термамизнинг Тунис, Жазоир, Ливия терма жамоалари билан ўртоқлик учрашувларини ўтказиши режалаштирилган эди. Аммо маълум сабабларга кўра, бу учрашувлар қолдирилиб, уларнинг ўрнига клубларга қарши назорат-синов учрашувлари ўтказилди.

4 декабрь куни маҳаллий «ЖС Кайруан» жамоаси 0:1 ҳисобида мағлуб этилди. Учрашувдаги ягона голни Олим Новкаров киритди. Тўрт кундан сўнг яна бир маҳаллий клуб — «Хаммам-Лиф» билан дуранг қайд этилди — 1:1. Мезбонлар 25-дақиқада тўп киритиб олдинга чиқиб олганди. Александр Гейнрих жарима зарбасидан унумли фойдаланиб, мувозанатни тиклади.

Сўнгра Бразилиянинг «Атлетико Минейро» жамоаси 4:1 ҳисобида мағлуб этилди. Голлар Гейнрих, Шавкат Саломов, Тимур Кападзе ва Анзур Исмоилов ҳисобига ёзилди.

11 декабрь куни Тунисннг «Стад Тунис» жамоасига қарши кечган сўнгги ўйинда ҳам термамиз футболчиларининг қўли баланд келди — 1:2. Ушбу ўйинда Азиз Ҳайдаров дубль муаллифи бўлди.

Навбатдаги йиғинга терма жамоа 18 декабрь куни жўнаб кетади. Бирлашган Араб Амирликларида ташкил этиладиган ушбу йиғинда бош мураббий шу пайтгача турли хил сабабларга кўра таркибга жалб этилмаган легионер футболчилар — Максим Шацких, Виталий Денисов, Сервер Жепаров, Жасур Ҳасанов, Вагиз Галиулин, Марат Бикмаев, шунингдек, Гуанчжоуда бўлиб ўтган Осиё ўйинларида Олимпия терма жамоасига ёрдам берган Одил Аҳмедов ва Тимур Жўраев ҳам иштирок этиши кўзда тутилган.

▼ ПЛЯЖ ФУТБОЛИ

МУСКАТ 2010: ПЛЯЖ ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ГУРУҲ ЎЙИНЛАРИНИ ЯКУНЛАШДИ

Уммоннинг Мускат шаҳрида "Соҳил бўйи спорт турлари бўйича Осиё ўйинлари" ўтказилмоқда.



Унда пляж футболи бўйича Ўзбекистон терма жамоаси "А" гуруҳида БАА, Қатар ва Яман терма жамоаларига қарши тўп суришди. Гуруҳ баҳсларидаги илк учрашувни Аҳмад Юсупов бошчилигидаги терма жамоамиз Қатар термасига қарши ўтказиб, 5:3 ҳисобида ғалаба қозонишди.

Гуруҳдаги иккинчи учрашувда Ўзбекистон пляж футболи терма жамоаси рақиби Яман терма жамоаси бўлди. Муросасиз курашлар остида ўтган учрашувда кутилмаганда вакилларимиз 4:6 ҳисобида мағлубиятга учрашди. Пляжчиларимиз гуруҳдаги сўнгги учрашувларини БАА терма жамоасига қарши ўтказишди. Ўйинда 3:3 ҳисобидаги дуранг натижа қайд этилди.

Жамоа	Ўйин	Т-Н	Очко
БАА	2	10-7	4
ЎЗБЕКИСТОН	3	12-12	4
ЯМАН	2	10-11	3
ҚАТАР	1	3-5	0

Азиз НУРУЛЛАЕВ

Барча турдаги лойиҳа-қидирув ташкилотлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ЖАМҒАРМАСИНИ БОШҚАРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАРГА ЛОЙИҲА-ҚИДИРУВ ТАШКИЛОТЛАРИНИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Андижон вилояти «Асака» ташламасидаги иншоотларни ва дамба қирғоқларини реконструкция қилиш объектига техник-иқтисодий ҳисоб-китоб ва ишчи ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи **224 200 000 сўм,** лойиҳа қуввати **22,5 километр** ва **30,0 дона,** ишларнинг тугалланиш муддати – **60 кун.**

Лойиҳа ишларини молиялаштириш ***мелиорация жамғармаси*** *маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.*

БУЮРТМАЧИ: Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш Департаменти.

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ТАШКИЛОТЧИСИ: Курилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент шаҳар ҳудудий консалтинг маркази.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг 1 фоизи миқдоридаги маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш лойиҳаларни бажариш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида иштирок этувчи маҳаллий ва хорижий лойиҳа-қидирув ташкилотларининг танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий пудратчиларга қуйидаги баҳолаш имтиёзлари кўзда тутилади: иштирокчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган импорт қилувчилар, импорт товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш)даги тендер таклифлари иштирокчиларининг тендер таклифларини баҳолашда кўрсатилган солиқ суммасини қўшган ҳолда ҳисобланади.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси – **Курилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент шаҳар ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин:

Тошкент шаҳри Абай кўчаси 6-уй.
Тел.: 244-12-17,
244-07-65

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 100 000 (Бир юз минг) сўм.

Таклифлар (офёрталар) танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – офёрталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан 20 кундан кейин юқоридаги манзилда ўтказилади.

«ДУНЁ–М»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН ҚУЙИДАГИ МАҲСУЛОТЛАР СОТИЛАДИ:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТОВАР ХОМАШЁ БИРЖАСИ ҲАМДА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ШАРТНОМА АСОСИДА



НОВВОЙЛИК БУҒДОЙ УНИ

Аҳоли ўртасида, айниқса, аёллар ва болаларда учрайдиган камқонлик касаллигининг олдини олиш мақсадида ва аҳоли эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда, корхонамизда асосан темир моддаси билан бойитилган 1-навли ун ишлаб чиқарилади.

Бошланғич нархи: **1 тоннаси 504 200 сўм**



Ун

ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ШАРТНОМА АСОСИДА



ЁРМА


У озиқ-овқат маҳсулотлари орасида тўйимлилик даражаси юқорилиги ва мазали экани билан ажралиб туради.

Ҳозирги кунда корхонамизда арпа ёрмаси (перловка) сочма ва қадоқланган ҳолда ишлаб чиқарилмоқда.

Бошланғич нархи: **1 тоннаси 703 181сўм 92 тийин**



Буғдой



Макарон маҳсулотлари

Корхона манзили: Қарши шаҳри Шайхали қўрғончаси Олтин бошоқ кўчаси 1-уй

Мурожаат учун телефонлар: 8-(375)-226-53-52. Факс: 780-85-05

Chevrolet NIVA

Ҳақиқий автомобилнинг янги кўриниши

Маҳсулот сертификатланган



Расмий дилер: "SANAR" хусусий корхонаси www.sanar.uz
Тошкент ш., Кичик халқа йўли 22а. (Мўғжал - Жанубий вокзал)
тел.: (+99871)140-00-61, (+99890)317-67-97, 325-88-87

CHEVROLET

"BOHODIR-ZIYOD QURILISH SERVIS" (ИНН 300562124) mas'uliyati cheklangan jamiyatining Устав фонди 126 000 000 (Бир юз йигирма олти миллион) сўмдан 16 500 000 (Ўн олти миллион беш юз минг) сўмгача камайтирилди. Мурожаат учун манзил: Тошкент ш. Юнусобод т. Боғишамол к. 21[5]-уй.

ООО "MERGAN TRADE" (ИНН 301199234), сообщает об уменьшении Уставного фонда с 124 001 795,35 сум до 120 001 795,35 сум. Основание решение общего собрания участников ООО "MERGAN TRADE" от 25.11.2010 г. Претензии принимаются по адресу: г.Ташкент Шайхантахурский р-н пл.Чорсу 3ª.

ООО "TAMERLAN" (ИНН 200993310), находящийся по адресу: г.Ташкент Чиланзарский р-н пр-т Узбекистанская 8/1 сообщает о переименовании на ООО "ABRIKOS PLUS". Тел. 244-05-97.

Утерянный план квартиры (реестр № 1-3507, 22.04.2009 г.) по адресу: г.Ташкент Шайхантахурский р-н ул.Ипакчи д.2 кв-ра 17, выданный Шайхантахурским БТИ на имя Маркелова Андрея Николаевича, считать недействительным.

Утерянный план квартиры по адресу: г.Ташкент Учтепинский р-н Чиланзар мас.23 д.11 кв-ра 61, выданный Учтепинским БТИ на имя Вахидовой Мохиры Эркиновны, считать недействительным.

Қарши ш. саноат озиқ-овқат ва қурилиш материаллари таъминоти корхонасининг дорихона мудири Авазесова Р. (Бахтеева Р.) номига берилган 2181/2160-04-сонли лицензия битими йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО "SIYMO-DIZAYN" (ИНН 203996067), зарегистрированное в Шайхантахурском р-н г.Ташкента уменьшает Уставной фонд с 52 000 000 сум до 3 000 000 сум. Претензии принимаются по адресу: г.Ташкент Шайхантахурский р-н ул.А.Навои 2ª. Тел.: 239-35-65.

Тошкент ш. Юнусобод т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан (реестр № 005535-10, 03.03.2010 й.) рўйхатга олинган "VIYUSH-PROD" ХКси (ИНН 301524708) ихтиёрий тугатилади. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида Тошкент ш. Юнусобод т. Д.Бозоров к. 9-берк к. манзили бўйича қабул қилинади. Ихтиёрий тугатиш ишларининг якуний муддати тамомлан 14.03.2011 й.

Утерянный план квартиры по адресу: г.Ташкент Чиланзарский р-н Наузы-Казыробод д.4 кв-ра 52, выданный Чиланзарским БТИ на имя Ким Бронислав Иванович, считать недействительным.

"Қишлоқ ҳаёти" ва "Ҳаёт" газеталари ижодий жамоаси Ўзбекистон халқ шоири, таҳрир ҳайъати аъзоси **Жуманиёз ЖАББОРОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент Давлат ўрмон хўжалиги жамоаси Ходимлар бўйича назоратчи Абдужаборова Нилуфарга падари бузруквори **СУННАТИЛЛА ОТА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР КЕНГАШИ

Ғуломжон ИБРАГИМОВ, Зафар РЎЗИЕВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Раҳмиддин БЎРИЕВ, Саид АРАБОВ, Саидамин САИДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУҚОДИРОВ, Илҳом ҲАЙДАРОВ, Наримон УМАРОВ, Абдураҳмат БОЙМУРОДОВ, Нодир НАЗАРОВ, Садриддин РАСУЛОВ, Виктор ЧУБ, Шуҳрат ТОШМУРОДОВ, Шамсиддин ЭСОНБОЕВ, Зиёвуддин ОБИДОВ, Ҳакимжон УМАРХЎЖАЕВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Ағитай АДИЛОВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Ўткир РАҲМАТ, Жуманиёз ЖАББОРОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Сунnат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Омонулла ЮНУСОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР:

Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 236-56-25, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими— 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21. Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:

Қорақалпоғистон Республикаси – 352-54-58, 743-03-45; Андижон – 224-99-13; Бухоро – 593-27-57; Жиззах – 366-61-16; Навоий – 224-69-08; Наманган ва Фарғона – 224-81-69; Самарқанд – 222-29-97; Сирдарё – 588-06-89; Сурхондарё – 730-15-02; Тошкент – 100-29-61; Хоразм – 520-69-14; Қашқадарё – 221-59-40.

Реклама ва эълонлар – Реклама ва эълонлар матни учун бухгалтерия жавобгар. 1 т-тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru

Навбатчи муҳаррир: А.КУЛМУРОДОВ

Мусаҳҳих: С.ҚОДИРОВ

Дизайнер: Ю.МИХАЙЛОВСКИЙ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-1117, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 23.00
10048 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

2 3 4 5